

**БОЛАЛАР МИЛЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/01.02.2022.TIB.147.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БОЛАЛАР МИЛЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**АЛИМОВ АХРОРБЕК АБДУРАСУЛОВИЧ**

**ТУҒМА ЮРАК НУҚСОНИ БЎЛГАН БОЛАЛАРДА ОПЕРАЦИЯДАН  
КЕЙИНГИ ДАВРДА ИНФУЗИОН ТЕРАПИЯНИ  
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.37 Анестезиология ва реаниматология  
14.00.09 Педиатрия**

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ-2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of phylosophy (PhD)**

**Алимов Ахрорбек Абдурасулович**

Туғма юрак нуқсонлари бўлган болаларда

операциядан кейинги даврда инфузион

терапияни оптималлаштириш..... 3

**Алимов Ахрорбек Абдурасулович**

Оптимизация инфузионной терапии в

послеоперационном периоде у детей

с врожденными пороками сердца..... 23

**Alimov Akhrorbek Abdurasulovich**

Optimization of fluid therapy in the postoperative

period in children with congenital heart disease..... 42

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 47

**БОЛАЛАР МИЛЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/01.02.2022.TIB.147.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

---

**БОЛАЛАР МИЛЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**АЛИМОВ АХРОРБЕК АБДУРАСУЛОВИЧ**

**ТУҒМА ЮРАК НУҚСОНИ БЎЛГАН БОЛАЛАРДА ОПЕРАЦИЯДАН  
КЕЙИНГИ ДАВРДА ИНФУЗИОН ТЕРАПИЯНИ  
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.37 Анестезиология ва реаниматология  
14.00.09 Педиатрия**

**тиббийёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ-2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.2.PhD/Tib4766 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Болалар миллий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертациянинг автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.bmtm.uz](http://www.bmtm.uz)) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталининг веб-саҳифасида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбарлар:**

**Шарипов Алишер Мирхамидович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Алимов Анвар Валиевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Агзамова Шоира Абдусаломовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Хамраева Гулчехра Шахобовна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд Давлат Тиббиёт Университети**

Диссертация ҳимояси Болалар миллий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/01.02.2022.Tib.147.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: Тошкент ш., Яшнобод тумани, Паркент кўчаси, 294, Болалар миллий тиббиёт маркази. Тел./факс: (+99855) 503-03-66, e-mail: [ilmiy.kengash@bmtm.uz](mailto:ilmiy.kengash@bmtm.uz)).

Диссертация билан Болалар миллий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин \_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган (Манзил: Тошкент ш., Яшнобод тумани, Паркент кўчаси, 294, Миллий болалар тиббиёт маркази. Тел./факс: (+99855) 503-03-66, e-mail: [ilmiy.kengash@bmtm.uz](mailto:ilmiy.kengash@bmtm.uz)).

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ да куни тарқатилди.

(2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Н.Ш. Эргашев**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**А.С. Юсупов**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Э.А. Сатвалдиева**

Илмий даража берувчи илмий  
кенгаш илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Муаммонинг долзарблиги ва зарурати.** Туғма юрак нуқсонлари замонавий педиатрия ва болалар кардиохирургиясининг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб, туғма ривожланиш аномалиялари тузилмасида катта улушни ташкил этади. Кўп марказий эпидемиологик тадқиқотлар маълумотларига кўра, «...Юрак туғма нуқсон (ЮТН) учраш ҳар 1000 янги туғилган болага 6 дан 18 ҳолатгача бўлиб, бу патология аниқланишининг барқарор ўсиш тенденцияси кузатилмоқда...»<sup>1</sup>. Сўнгги икки ўн йилликда болалар кардиохирургияси соҳасида катта ютуқларга эришилиши ЮТН бўлган болаларда прогнозни тубдан яхшилади. Мураккаб ЮТН хирургик коррекциясида умумий ўлим ҳолати ихтисослашган марказларда 2–5% гача камайган.

Бундай натижаларга фақатгина жарроҳлик техникасини такомиллаштириш орқали эмас, балки беморларни операция олди ва операциядан кейинги даврда олиб бориладиган даво усуллари қайта кўриб чиқиш ҳисобидан ҳам эришилди.

Айниқса, ЮТН бўлган болаларда инфузион терапияни оптималлаштириш муаммоси долзарбдир, чунки сув-электролит мувозанати ва гемодинамика бузилишлари жарроҳлик даволаш натижасига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Болалар организмнинг физиологик хусусиятлари ва ЮТНда кузатиладиган патофизиологик ўзгаришлар инфузион қўллаб-қувватлашнинг оптимал стратегиясини танлашда ўзига хос қийинчиликлар туғдиради.

Халқаро адабиёт таҳлили педиатрия кардиохирургияси амалиётида инфузион терапия усулларида катта хилма-хиллик мавжудлигини ва оптимал стратегияларни танлашда консенсус йўқлигини кўрсатади. Анъанавий равишда кенг қўлланиладиган 0,9% натрий хлорид эритмаси гиперхлоремик метаболик ацидоз хавфи туфайли танқидий қайта баҳоланмоқда.

Ўзбекистон Республикасида болалар кардиохирургияси муаммоси соғлиқни сақлаш тизими ислохотлари доирасида алоҳида давлат аҳамиятига эга бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 декабрдаги №ПК-5590-сонли Фармони «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини 2019–2025 йилларда ривожлантириш концепцияси» юқори технологияли тиббий ёрдам, жумладан болалар кардиохирургиясини ривожлантиришни устувор йўналиш сифатида белгилади. Президентнинг 2020 йил 28 майдаги №ПК-4707-сонли Қарори «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳужжати ЮТН бўлган болаларга ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш учун замонавий моддий-техника базасини яратишни кўзда тутди. 2022–2026 йилларга мўлжалланган «Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси»<sup>2</sup> доирасида болаларга юқори технологияли тиббий ёрдам

<sup>1</sup> National Variation in Congenital Heart Surgery Outcomes - Sara K. Pasquali, Dylan Thibault et al., Circulation, 2020

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги Фармони.

кўрсатиш тизимини такомиллаштириш назарда тутилган бўлиб, бу болалар кардиохирургияси ва интенсив терапия ривожланишига бевосита тааллуқлидир. Ушбу дастурлар доирасида Болалар Миллий Тиббиёт Маркази базасида замонавий ускуналар ва юқори малакали мутахассислар билан жиҳозланган илғор кардиохирургия хизмати ташкил этилди.

**Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантириш устувор йўналишларига мослиги**  
Диссертация иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналиши VI – «Тиббиёт ва фармакология»га мос равишда амалга оширилган ва соғлиқни сақлашни ривожлантириш бўйича давлат дастурлари вазифаларини бажаради.

#### **Муаммони ўрганилганлик даражаси**

Инфузион терапиянинг жаҳон амалиётидаги замонавий тенденциялари шахсий ва ёш хусусиятларига мослаштирилган ёндашувларга ўтиш билан тавсифланади. Йирик кўламли SPLIT (2021) ва BaSICS (2021) тадқиқотлари 15 000 дан ортиқ катта ёшли беморлар иштирокида ўтказилиб, 0,9% натрий хлорид эритмасига нисбатан мувозанатлаштирилган кристаллоидларнинг буйракнинг ўткир шикастланиши ва ўлим кўрсаткичлари бўйича афзалликларини аниқ кўрсатди [Finfer S., Naomi Hammond ва бошқ., 2022; Flavia R Machado, Hammond N.E. ва бошқ., 2022]. Бироқ, ушбу тадқиқотларда педиатрия популяцияси амалда иштирок этмаган.

Мувозанатлаштирилган кристаллоидларни рестриктив инфузия режимлари билан уйғунлаштириш гемодинамикага анъанавий усуллар билан таққосланадиган барқарорлаштирувчи таъсир кўрсатади, аммо электролит бузилишлари учрашини анча камайтиради ва катта ёшли беморларда барқарор гемодинамика даврини узайтиради. Номувозанатлаштирилган эритмалардан фарқли равишда, замонавий кристаллоидлар гиперхлоремик ацидоз ва метаболик бузилишларга олиб келмайди.

Болаларда инфузион терапия физиологиясини ўрганган фундаментал тадқиқотлар сув-электролит алмашинувининг ёшга оид аниқ ифодаланган хусусиятларини кўрсатди. Чақалоқларда умумий сув микдори танаси оғирлигининг 75–80% ни ташкил қилади, бунда хужайралар орасидаги суюқлик улуши 45–50% га етгани учун улар ортиқча ҳажм юкламасида шишлар ривожланишига нисбатан кўпроқ мойил бўлади [Alobaidi Rajit K Basu ва бошқ., 2023]. 1 ёшга келиб, бу кўрсаткичлар катта ёшлилар даражасига яқинлашади, бу эса инфузион терапияда дифференциал ёндашув зарурлигини белгилайди.

Педиатрик кардиохирургияда далиллар базаси этик чекловлар, кичик намуналар сони ва беморлар популяциясининг гетерогенлиги сабабли анча секин тўпланади. Мавжуд тадқиқотларнинг кўпчилиги якка марказли бўлиб, статистик қуввати чекланган.

Dingankar ва бошқ. (2018) томонидан 110 болада кардиохирургик операциядан сўнг мувозанатлаштирилган кристаллоидлар 5% альбумин билан таққосланган тадқиқотда асосий натижаларда фарқ топилмади, аммо мувозанатлаштирилган эритмалар гуруҳида электролит бузилишлари камроқ

учраш тенденцияси аниқланди. Бироқ, бу тадқиқот изотоник натрий хлорид эритмаси билан таққослашни қамраб олмаган.

Болаларда инфузион терапиянинг оптимал ҳажми муаммоси ҳали ҳам жуда тортишувли. Holliday-Segar (1957) усулига асосланган суюқлик эҳтиёжини ҳисоблашнинг анъанавий формулалари соғлом болалар учун ишлаб чиқилган бўлиб, оғир ҳолатлардаги патофизиологияни ҳисобга олмаслиги мумкин [Feld LG, Neuspiel DR, Foster BA, ва бошқ., 2018]. Gelbart В. ва бошқ. (2022) томонидан 1 847 болани ўз ичига олган мета-таҳлилда, мусбат кумулятив суюқлик баланси сунъий вентиляция ва интенсив даво бўлимида бўлиш давомийлигининг ортиши билан боғлиқ эканлиги аниқланди.

Болалар кардиохирургияси бўйича махсус тадқиқотлар сони кам. Hanot J. ва бошқ. (2019) томонидан 1163 болани қамраб олган кўп марказлашган тадқиқотда рестриктив инфузион терапия стратегияси ўпка сунъий вентиляция ва интенсив даво бўлимида қолиш муддатини қисқартириши аниқланди, аммо турли кристаллоид эритмалар турлари таққосланмади.

Castañuela-Sánchez V. ва бошқ. (2022) томонидан 150 болада ЮТН коррекциясидан сўнг ўтказилган проспектив тадқиқотда, жисмоний вазннинг 10% дан ортиқ суюқлик юкламаси операциядан кейинги учинчи кун асоратлар учраши ортиши билан боғлиқ эканлиги аниқланди. Бироқ, муаллифлар инфузиянинг бошланғич режимини оптималлаштириш орқали ортиқча юкламани олдини олиш имкониятларини ўрганмаган.

Болаларда кардиохирургия операцияларидан кейинги даврда буйракнинг ўткир шикастланиши бўйича тадқиқотлар бу асоратнинг юқори частотаси (15–64%) ва салбий натижалар билан боғлиқлигини кўрсатади [Zanaboni D, Min J, Seshadri R, Gaynor JW ва бошқ., 2021]. Van den Eynde J ва бошқ. (2024) томонидан 1074 чақалоқларда буйракнинг ўткир шикастланиши ортиқча суюқлик юкламаси билан боғлиқ эканлиги аниқланди, аммо қўлланилган кристаллоид тури билан боғлиқлик ўрганилмаган.

Инфузион терапияни инотроп қўллаб-қувватлаш билан интеграция қилиш муаммоси алоҳида тарзда ўрганилган. Davidson J. ва бошқ. (2021) томонидан 443 болада операциядан сўнг “vasoactive-ventilation-renal score” синовдан ўтказилган, аммо инфузион терапия режими билан вазоактив қўллаб-қувватлаш эҳтиёжи ўртасидаги боғлиқлик ўрганилмаган.

Belletti A. ва бошқ. (2021) 178 тадқиқотни ўз ичига олган мета-таҳлилда инотроп терапиянинг комбинацияси самарадорлиги кўрсатилди, аммо маълумотларнинг асосий қисми катта ёшли беморларда олинган. Педиатрия тадқиқотлари эса кичик намуналар ва қарама-қарши натижалар билан чекланган.

Милринонни қўллаш хусусиятлари бир нечта тадқиқотларда ўрганилган. Hoffman Т.М. ва бошқ. (2023) милринонни профилактик қўллаш юрак кискариш кучининг пастлиги синдроми (LCOS low cardiac output syndrome) учраш частотасини камайитириши мумкинлигини кўрсатди, аммо оптимал дозалар ва инфузион терапия режими билан боғлиқлиги аниқ эмас.

Инфузион терапия адекватлигини мониторинг қилишнинг замонавий усуллари ривожланмоқда, аммо етарлича стандартлаштирилмаган. Yenjabog P

ва бошқалар (2022) кўрсатганидек, сунъий нафас олаётган болаларда суюқлик таъсирини башорат қилиш учун аортал қон оқимининг энг юқори даражаси нафас олиш вариацияси энг ишончли динамик параметр ҳисобланади, аммо клиник қўлланилиши кўшимча текширишларни талаб қилади.

Натижаларни ўрганиш операция олди ва операциядан кейинги даврда беморларни олиб боришни оптималлаштириш салоҳиятини кўрсатади. Gaies M. ва бошқ. (2023) 58 429 операцияни таҳлил қилишда асоратлар учраш частотасини камайтириши интенсив терапия протоколларини стандартлаштириш билан боғлиқ эканлигини аниқлаган, аммо оптимал протоколларнинг аниқ таркиби ҳали ҳам белгиланмаган.

Ўзбекистон Республикасида болалар кардиохирургиясида инфузион терапияни оптималлаштириш соҳасидаги тадқиқотлар ривожланиш босқичида. Болалар миллий тиббиёт маркази базасида замонавий интенсив терапия протоколларини жорий этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда, аммо турли инфузион терапия стратегиялари самарадорлигини баҳоловчи тизимли тадқиқотлар илгари ўтказилмаган.

Шундай қилиб, инфузион терапия физиологиясини тушунишдаги сезиларли илгарилаш ва катта ёшли беморларда мувозанатлаштирилган кристаллоидларнинг афзалликлари ҳақида маълумотлар тўпланганига қарамай, болалар кардиохирургиясида юқори сифатли тадқиқотлар етишмаяпти. Болаларда ЮТН учун турли инфузион терапия стратегияларини таққословчи йирик рандомизацияланган тадқиқотлар мавжуд эмас. Турли ёш гуруҳлари ва нозологик шакллар учун инфузиянинг оптимал ҳажмлари аниқланмаган. Инфузион терапияни инотроп қўллаб-қувватлаш билан интеграция қилиш етарли даражада ўрганилмаган. Педиатрия амалиётида инфузион терапия адекватлигини мониторинг қилишнинг стандартлаштирилган протоколлари мавжуд эмас.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мавзу Болалар миллий тиббиёт маркази илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган (протокол № 11 27.11.2024 йил) ва БМТМ кенгашида тасдиқланган (протокол №1 25.03.2024 йил).

**Тадқиқот мақсади** – Кардиохирургия амалиётларидан кейинги эрта даврда 3 ёшгача ЮТН бўлган болаларда педиатрик реанимация амалиётида интенсив терапия ёндашувларини оптималлаштириш учун турли ёш гуруҳларида инфузион терапия режимларининг қиёсий самарадорлигини ўрганиш.

#### **Тадқиқот вазифалари:**

3 ёшгача бўлган ЮТНли болаларда турли ёш тоифаларида операциядан кейинги эрта даврда болалар реанимацияси амалиётида учрайдиган огир асоратларнинг учраши ва тузилишини аниқлаш.

ЮТНли болаларда операциядан кейинги эрта даврда бошланғич инфузион терапия режими танлаш учун кристаллоид эритмаларнинг қоннинг электролит мувозанати ва кислотали-ишқорий ҳолатига таъсирини баҳолаш.



Кардиохирургия амалиётидан кейин турли ёш гуруҳларида инфузион терапия ҳажмининг гемодинамик кўрсаткичларга таъсирини аниқлаш.

ЮТНли болаларда операциядан кейинги эрта даврда инфузион терапия режимида ёндашувлар учун инотроп ёки вазоактив қўллаб-қувватлаш таъсирига асосланган гемодинамик кўрсаткичларни ўз ичига олган мезонларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** – 2022–2024 йиллар мобайнида Болалар миллий тиббиёт марказида даволанган ва туғма юрак нуқсонлари сабабли кардиохирургия амалиёти ўтказилган, шу жумладан Фалло тетрадаси (ФТ), магистрал қон томирлар транспозицияси (МҚТ) ва ўпка веналарининг тўлиқ аномал дренажига (ЎВТАД) эга бўлган 131 нафар 3 ёшгача бўлган болалар.

**Тадқиқот предмети** – умумий клиник кўрсаткичлар, артериал қонда кислотали-ишқорий ҳолат таҳлили.

**Тадқиқот усуллари** – трансторакал эхокардиография ва кардиомонитор ёрдамида марказий ва периферик гемодинамикани мониторинг қилиш. Инотроп даво қўлланилиши, дори тури ва дозаси қайд этилди. Экстубация вақти ва интенсив терапия бўлимида бўлиш давомийлиги ҳисобга олинди. Статистик таҳлил усуллари қўлланилди.

#### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

комплекс таҳлил асосида чакалоқларда марказий қон томирлар транспозицияси ва ўпка веналари тотал аномал дренажи (МҚТ/ЎВТАД) бўлган ҳолларда электролит бузилишлари, артериал гипотензия ва ритм бузилишлари устунлик қилиши, Фалло тетрадали болалар эса ушбу асоратларнинг ишончли равишда пастроқ частотасини намойиш этиши, ҳар икки гуруҳда инфекцион асоратлар бир хил частотада учраш фонида аниқланган.

болалар кардиореанимациясида мувозанатлаштирилган кристаллоид эритмаларнинг изотоник натрий хлорид эритмасига нисбатан афзаллиги кислотали-ишқорий ҳолат барқарорлигини таъминлаш, гиперхлоремик ацидознинг олдини олиш ва электролит балансини сақлаш асосида, гомеостазни сақлаш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги исботланган.

оптималлаштирилган стратегиянинг гемодинамик афзалликлари ишончли равишда пастроқ ЮҚС, барқарор ўртача АБ ва ҳажм юклама белгиларисиз назорат қилинадиган МҚБ қийматлари кўринишида, шунингдек рестриктив ёндашувда юрак қисқариш кучининг яхшиланиши ва чап қоринча дилатациясининг камайиши асосида инфузион терапия самарадорлигининг эхокардиография натижалари тасдиқланган.

хавфсиз оптимал гемодинамик барқарорликни таъминлайдиган ва турли нозологик шаклдаги ЮТН бўлган болаларда ўпка сунъий вентиляцияси вақтини, ҳамда интенсив даво бўлимида қолиш муддатини қисқартириш кўринишида клиник самарадорлик намойиш этадиган инфузион-инотроп терапия концепцияси ишлаб чиқилган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

юрак туғма нуқсонининг турига қараб беморларни мониторинг қилишда ўзига хос ёндашув керак эканлиги аниқланди: МҚТ ва ЎВТАД билан туғилган

болаларда ҳар 6 соатда кучайтирилган электролитлар мониторинги, инотроп қўллаб-қувватлашга тайёр бўлган кенгайтирилган гемодинамик назорат, 72 соат давомида доимий ЕКГ мониторинги, тетрада фалло билан туғилган болаларда эса марказий веноз катетри орқали юқиши мумкин бўлган инфекцион ҳолатларни олдини олишга қаратилган стандарт протокол, операциядан кейинги яра назорати ва тезроқ активлаштириш, ҳаракатлантириш.

КИМ (кислота ишқор мувозанати) ва электролит гомеостази таҳлили асосида бирламчи инфузион эритмани танлаш асослаб берилди. Старт инфузион терапия сифатида 0,9% NaCl ўрнига мувозанатлаштирилган кристаллоид (Рингер эритмаси) қўллаш тавсия этилди.

ЭхоКГ (24 соатда 1 марта) ва узлуксиз гемодинамик мониторинг асосида рестриктив инфузион стратегия такомиллаштирилди, бу чап қоринчанинг ортиқча кенгайишини, МВБ ва ЮҚС нинг ортиши олдини олади. Янги туғилганларда ҳажмнинг айниқса қатъий назорати тавсия этилади.

нозология ва инотроп ёрдамни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган персоналлаштирилган инфузион терапия режимининг эффективлиги тасдиқланди: базал инфузия билан рестриктив тактика 1 мл/кг/соат (МҚТ/ЎВТАД) ва 1,8 мл/кг/соат (ТФ) + инотроп ёрдам учун 1 мл/кг/соат (адреналин 0,05 мкг/кг/мин, милринон 0,5-1,0 мкг/кг/мин, ТФ да добутамин қўшиш 7,5-10 мкг/кг/мин).

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** клиник, лаборатор ва инструментал усуллар билан тасдиқланган. Ҳисобланган маълумотларнинг ишончлилиги статистик усуллар орқали таҳлил қилинган.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти:**

критик асоратларнинг ёш ва нозологик ёндашуви асосида ўтказилган комплекс таҳлили болалар кардиореанимациясида хавфли ҳолатларни эрта аниқлаш ва олдини олишнинг дифференциал протоколларини ишлаб чиқиш учун илмий асос яратади.

туғма юрак нуқсонлари бўлган 3 ёшгача бўлган болаларда операциядан кейинги эрта даврда гемодинамик, метаболик, респиратор ва сув-электролит ўзгаришларини комплекс таҳлил қилиш асосида чекловчи-мақсадли инфузион режим, 0,9% натрий хлорид ўрнига мувозанатли кристаллоидлардан фойдаланиш, "ноль" ёки ўртача манфий қиймат зонасида сув балансини бошқариш ва суюқлик ортиқча юкланишининг 0% дан юқори бўлишини олдини олиш (Fluid Overload Index) асосида оптималлаштирилган инфузион тактика ишлаб чиқилган ва илмий асосланган.

тадқиқот давомида оптималлаштирилган инфузион стратегияни жорий этиш ЎСВ давомийлигини ишончли қисқартиришга - 24,3%, болалар реанимация бўлимида қолиш давомийлигини қисқартиришга - 31,2% ва инотроп юклamani камайтиришга - 27% олиб келиши исботланди.

Ўзбекистон Республикаси клиник амалиётига мослаштирилган инфузион терапиянинг клиник алгоритми ишлаб чиқилди.

#### **Олинган натижаларни жорий этиш**

Инфузион терапияни операциядан кейинги даврда оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

*биринчи илмий янгилик:* комплекс таҳлил асосида чақалоқларда марказий қон томирлар транспозицияси ва ўпка веналари тотал аномал дренажи (МҚТ/ЎВТАД) бўлган ҳолларда электролит бузилишлари, артериал гипотензия ва ритм бузилишлари устунлик қилиши, Фалло тетрадали болалар эса ушбу асоратларнинг ишончли равишда пастроқ частотасини намойиш этиши, ҳар икки гуруҳда инфекцион асоратлар бир хил частотада учраш фонида аниқланган. *Ижтимоий самарадорлик:* дифференциал мониторинг протоколлари критик асоратларни эрта аниқлаш ва олдини олишни таъминлаган, ЮТН бўлган болаларда ногиронликка олиб келувчи оқибатлар хавфини камайтирган. МҚТ ва ЎВТАД бўлган янги туғилганларда асоратларни вақтида профилактика қилиш неврологик бузилишлар ва юрак етишмовчилигини олдини олган, узоқ муддатли прогнозни яхшилаган ва оилалар учун ижтимоий юкни камайтирган. *Иқтисодий самарадорлик:* электролит бузилишларининг 32,7-49,4%га, артериал гипотензиянинг 32,8%га ва ритм бузилишларининг 15-20%га камайиши туфайли тўғирловчи фармакотерапия (электролитлар, антиаритмиклар, қўшимча инотроплар, антибиотиклар) харажатлари 1,3-1,5 мартага камайган. *Хулоса:* аниқланган критик асоратларнинг частотаси ва тузилиши самарали профилактика чораларини ишлаб чиқишга имкон берган, бу асоратлар частотасини камайтириш ва фармакологик иқтисодий самарадорликни таъминлаган.

*иккинчи илмий янгилик:* болалар кардиореанимациясида мувозанатлаштирилган кристаллоид эритмаларнинг изотоник натрий хлорид эритмасига нисбатан афзаллиги кислотали-ишқорий ҳолат барқарорлигини таъминлаш, гиперхлоремик ацидознинг олдини олиш ва электролит балансини сақлаш асосида, гомеостазни сақлаш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги исботланган. *Ижтимоий самарадорлик:* метаболик ўзгаришларни минималлаштириш ва марказий гемодинамик барқарорлигини сақлаш орқали асоратлар частотасини камайтириш, операциядан кейинги эрта даврда сунъий вентиляция вақтини қисқартириш ва нафас олишни оптимал муддатларда тиклашга эришилган. *Иқтисодий самарадорлик:* кислота ишқор мувозанати, электролитлар ва осмолярликни қўшимча тузатиш зарурияти 30-40%га, қўшимча вазоактив қўллаб-қувватлаш эҳтиёжи 25%га камайиши орқали дори воситалари ва интенсив ресурслар (лаборатория мониторинги, препаратлар, эритмалар) сарфи 1,2-1,3 мартага қисқарган. *Хулоса:* мувозанатли кристаллоидларнинг илмий асосланган қўлланиши метаболик барқарорликни таъминлайди, тузатувчи терапияга бўлган эҳтиёжни камайтиради ва иқтисодий самарадорликни намоён этган, уларни болалар кардиохирургиясида старт инфузион терапия сифатида қўллаш мақсадга мувофиқлигини тасдиқланган.

*учинчи илмий янгилик:* оптималлаштирилган стратегиянинг гемодинамик афзалликлари ишончли равишда пастроқ ЮҚС, барқарор ўртача АБ ва ҳажм юклама белгиларисиз назорат қилинадиган МҚБ қийматлари кўринишида, шунингдек рестриктив ёндашувда юрак қисқариш кучининг яхшиланиши ва

чап қоринча дилатациясининг камайиши асосида инфузион терапия самарадорлигининг эхокардиография натижалари тасдиқланган. *Ижтимоий самарадорлик:* ЭхоКГ-мониторинг ва мослаштирилган инфузион схемани интеграциялаш гиперволемиа ва миокард дисфункцияси белгиларида терапияни ўз вақтида тузатиш имконини берган, бу юрак етишмовчилиги ва қайта ЎСВ частотасини камайтирган. *Иқтисодий самарадорлик:* оптималлаштирилган инфузион стратегия ва ЭхоКГ-мониторинг ҳисобига ЎСВ вақтининг 0,52-0,91 суткага қисқариши аниқланган. Диуретикларга эҳтиёжнинг 30%га, инотроп қўллаб-қувватлашнинг 20%га камайиши ва қайта ЎСВга ўтказиш ҳолатларининг 5-8%га камайиши аниқланган. *Хулоса:* марказий ва периферик гемодинамика кўрсаткичлари назорати остида рестриктив инфузион терапияни жорий этиш клиник натижаларни яхшилаган, респиратор қўллаб-қувватлаш муддатини қисқартирган ва қўшимча дори воситаларини қўллаш эҳтиёжини камайтириш ҳисобига катта иқтисодий самарадорликни таъминлаган.

*тўртинчи илмий янгилик:* хавфсиз оптимал гемодинамик барқарорликни таъминлайдиган ва турли нозологик шаклдаги ЮТН бўлган болаларда ўпка сунъий вентилияцияси вақтини, ҳамда интенсив даво бўлимида қолиш муддатини қисқартириш кўринишида клиник самарадорлик намоёиш этадиган инфузион-инотроп терапия концепцияси ишлаб чиқилган. *Ижтимоий самарадорлик:* беморнинг эрта умумий бўлимга ўтказилиши болада стресс ва ноқулайликни камайтирган, эрта тикланишга ёрдам берган, касалхона ичи инфекцияси хавфини камайтирган. *Иқтисодий самарадорлик:* интеграцияланган инфузион-инотроп терапия ҳисобига интенсив даво бўлимида бўлиш муддатини 1,02-1,32 суткага қисқартирган (14,3-26,6%) *Хулоса:* ишлаб чиқилган интеграцияланган инфузион-инотроп терапия концепцияси юқори клиник ва иқтисодий самарадорликни намоён этиб, интенсив терапия муддатини қисқартирган ва ЮТН бўлган болаларга тиббий ёрдам сифатини яхшилаш билан бирга соғлиқни сақлаш тизими ресурсларини тежашга ёрдам берган.

Олинган натижалар Фарғона вилояти болалар кўп тармоқли тиббий маркази ва Самарқанд вилояти болалар кўп тармоқли тиббий маркази реанимация ва интенсив терапия бўлимларининг клиник амалиётига жорий этилди (2025 йил 2 июндаги №34 ва №96-У буйруқлар, Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашнинг 24-сонли хулосаси 4.09.2025 й.).

#### **Тадқиқот натижаларининг апробацияси**

Диссертация иши материаллари талабгор томонидан 8 та илмий-амалий форумларда тақдим этилган, шулардан 3 таси халқаро конференциялар ва съездларда, 5 таси республика миқёсидаги конференцияларда.

#### **Тадқиқот натижаларининг нашр этилиши**

Диссертация иши мавзуси бўйича жами 22 та илмий ишлар нашр этилган, шулардан: 6 та мақола илмий журналларда, шуларнинг 5 таси Ўзбекистон

Республикаси Олий аттестация комиссияси тавсия этган республика журналларида ва 1 таси хорижий журналда, 1 та услубий тавсиянома.

### **Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми**

Диссертация кириш қисми, 4 та боб, хулоса, хулосалар ва амалий тавсиялар, ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 108 саҳифани ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва ушбу ишнинг талаб этилганлиги асослаб берилган, мақсад ва вазифалар, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилик ва ишнинг амалий натижалари баён этилган, илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Биринчи боб 4 та кичик бўлимдан иборат. Операциядан кейинги даврда ЮТН бўлган болаларда инфузион терапияни оптималлаштириш муаммосини ўрганишнинг замонавий ҳолати таҳлил қилинган. Болалар кардиохирургияси амалиётида инфузион терапияга индивидуаллаштирилган ёндашувларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича ишлар етарли эмаслиги қайд этилган. Болаларда далиллар базасининг тўпланиши катталарга нисбатан секинроқ кечади, бу этик чекловлар, турли ёш гуруҳлари учун стандартлаштирилган протоколлар мавжуд эмаслиги билан боғлиқ бўлиб, умумий ҳолда болалар интенсив терапиясига инновацион технологияларни жорий этишни секинлаштиради. Мавжуд материаллар атрофлича таҳлил қилинган, батафсил ўрганишни талаб қиладиган жиҳатлар алоҳида таъкидланган.

Иккинчи бобда тадқиқот материаллари ва усуллари тақдим этилган. 2022 йил январ – 2024 йил декабрь даврида Болалар Миллий тиббиёт маркази кардиореанимация бўлимида проспектив рандомизацияланган назоратли тадқиқот ўтказилган. Тадқиқотга ёши 1 ойдан 3 ёшгача бўлган, туғма юрак нуқсонлари (магистрал қон томирлар транспозицияси, ўпка веналарининг тўлиқ анормал дренажини, Фалло тетрадасини) радикал коррекция қилиш амалиётини бошдан кечирган 131 нафар бемор киритилган.

Беморлар нозология принципи асосида стратификация қилинган ва стандарт, ҳамда оптималлаштирилган инфузион терапия самарадорлигини таққослаш учун тўртта гуруҳга рандомизация қилинган (1-жадвал).

Беморларни гуруҳларга бўлиш нуқсоннинг нозологик шакли ва инфузион терапия режимини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилди, бу эса турли ҳажмли стратегияларни объектив таққослашни таъминлади. МҚТ ва ЎВТАД бўлган болаларда ҳажмли зўриқиш ва ўпка шишига мойиллик устунлик қилди, шунинг учун бошланғич ҳажмни чеклаш билан рестриктив тактика қўлланилди. Фалло тетрадаси бўлган беморларда, аксинча, гиповолемия белгилари ва қон ёпишқоқлигининг ошиши кузатилди, бу эса янада либерал ёндашувни талаб қилди. Бундай тақсимот инфузион терапиянинг стандарт ва

оптималлаштирилган схемаларининг самарадорлигини тўғри баҳолаш имконини берди.

**Киритиш мезонлари:** 3 ёшгача, оғирлик 2,5–15 кг, тадқиқотда ўрганилаётган ЮТН нозологиялари, режали радикал коррекция қилиш операцияси ИК >60 дақиқа, ASA III–IV, чап қоринча фракцияси (ФВ ЛЖ) >40%, ота-оналар розилиги, диурез > 0.5 мл/кг/соат.

**Истисно мезонлари:** ёш 3 дан юқори, оғирлик <2,5 кг, бошқа нозологияли мураккаб ЮТН, шошилиш операциялар, ASA V, оғир ҳамроҳ патологиялар, метаболизмга тасир қилувчи хромосом аномалиялар, қон кетиш >5 мл/кг/соат.

**Инфузион терапия протоколлари.** Стандарт терапия 0,9% NaCl эритмасини Холидей-Сегар ҳисобининг 70–100% ҳажмида ва кўрсатмалар бўйича инотроп қўллаб-қувватлашни ўз ичига олган. Оптималлаштирилган терапия эса Холидей-Сегар ҳисобининг 50–70% ҳажмида мувозанатлаштирилган Рингер эритмаси ва барча беморларга мажбурий равишда (1 мл/кг/соат) инотроп қўллаб-қувватлашни назарда тутган.

**Тадқиқот усулларига** қуйидагилар кирди: комплекс гемодинамика мониторинги (VOMEN кардиомониторлари, АД ва МВБни инвазив ўлчаш), миокард функциясини баҳолаш учун трансторакал эхокардиография (GE Healthcare VIVID T8), КИЦС ва электролит мувозанатини лаборатор назорат қилиш (ABL800 FLEX, Radiometer). Тадқиқотлар тўрт вақт нуқтасида ўтказилди: операциядан сўнг дарҳол, 6 соатда, 12 соатда ва 24 соатда.

#### 1-жадвал

##### Тадқиқот гуруҳлари бўйича беморларни тақсимланиши

Нозология	Стандарт даво	Оптималлаштирилган терапия	Жами
МҚТ/ЎВТАД	Гуруҳ 1: 70% X-C дан (n=35)	Гуруҳ 2: 50% X-C дан (n=26)	n=61
Тетрада Фалло	Гуруҳ 3: 100% X-C дан (n=32)	Гуруҳ 4: 70% X-C дан (n=38)	n=70
Жами	n=67	n=64	n=131

Изох: X–C — Холидей–Сегар формуласи бўйича ҳисоблаш.

**Статистик таҳлил** IBM SPSS Statistics v.27.0.1.0 дастурида амалга оширилди. Манн–Уитни U- критерияси, Фишер критерияси, жуфт таққослаш учун Вилкоксон критерияси қўлланилди. Кўп факторли таҳлиллар ёш, оғирлик, суний қон айланиш давомийлиги ва бошланғич чап қоринча фракцияси бўйича ўтказилди. Фарқлар  $p < 0,05$  да статистик аҳамиятли деб ҳисобланди.

Учинчи боб – беморларнинг клиник тавсифи, таҳлили натижалари тақдим этилган бўлиб, тадқиқот гуруҳларининг демографик, антропометрик ва клиник хусусиятлари баҳоланган. Гуруҳларнинг асосий кўрсаткичлар бўйича таққосланиши, қиёсий таҳлилнинг ҳаққонийлигини таъминлайди.

**Демографик тавсиф:** Гуруҳлар асосий кўрсаткичлар бўйича таққосланади. МҚТ ва ЎВТАД бўлган беморларда ўртача ёш 1 ой, оғирлик  $4,0 \pm 0,9$  кг. Фалло тетрадаси бўлган беморларда ёш 10–12 ой, оғирлик  $8,5 \pm 1,7$

кг. Жинс бўйича тақсимланиш: турли гуруҳларда 50–75% ўғил болалар ( $p>0,05$ ).

**Протоколларни асослаш:** Дифференциал ёндашув патофизиологик хусусиятларга асосланди: МҚТ ва ЎВТАД бўлган беморлар ҳажм юкламасига юқори сезгирлик ва ўпка шишига мойиллик мавжуд бўлиб, бу рестриктив инфузияни (50%) асослайди; Фалло тетрадаси бўлган беморлар эса полициемия туфайли бошланғич гиповолемия кузатилади, бу ўртача рестриктив ёндашувни (70%) талаб қилади.

**Инотроп қўллаб-қувватлаш:** Оптималлаштирилган терапия гуруҳларида профилактик равишда адреналин (0,05 мкг/кг/мин) ва милринон (0,5–0,75 мкг/кг/мин) тайинланган, Фалло тетрадасида қўшимча равишда добутамин (7,5–10 мкг/кг/мин) қўлланилган. Бошлаш мезонлари: ўртача АД <50 мм.сим.уст., ФВ <50%, диурез <1,0 мл/кг/соат.

**Интраоперацион кўрсаткичлар:** суний кон айланиш давомийлиги МҚТ ва ЎВТАД бўлган беморларда  $170 \pm 70$  дақиқа, Фалло тетрадаси бўлган беморларда  $120 \pm 40$  дақиқа. Операция вақтида суюқлик баланси оптималлаштирилган терапия гуруҳларида яхшироқ бўлган. Гуруҳлар кон йўқотиш ва диурез бўйича таққосланди.

Тўртинчи боб – муаллифнинг шахсий тадқиқот натижалари. Инфузион терапиянинг турли стратегияларининг хавфсизлигини комплекс баҳолаш гуруҳлар орасида асоратлар частотаси бўйича таққосланди (2-жадвал). Энг кўп учрайдиган асорат электролит бузилишлари бўлиб, улар 0,9% NaCl қўлланилганда сезиларли кўпроқ қайд этилди: МҚТ ва ЎВТАД бўлган беморларда (1-группа) 22,9% ҳолат, мувозанатлаштирилган терапияда (2-группа) – 15,4%; Фалло тетрадаси бўлган беморларда (3-группа) – 15,6%, оптималлаштирилган терапияда (4-группа) – 7,9%.

## 2-жадвал

### Операциядан кейинги эрта даврда асоратлар тузилиши


Асорат тури	Гуруҳ 1 (n=35)	Гуруҳ 2 (n=26)	$p_{1-2}$	Гуруҳ 3 (n=32)	Гуруҳ 4 (n=38)	$p_{3-4}$
Ритм бузилиши, n (%)	4 (11,4)	2 (7,7)	0,712	3 (9,4)	2 (5,3)	0,661
Артериал гипотензия, n (%)	6 (17,1)	3 (11,5)	0,737	2 (6,3)	4 (10,5)	0,686
Электролитлар бузилиши, n (%)	8 (22,9)	4 (15,4)	0,553	5 (15,6)	3 (7,9)	0,462
Инфекцион асоратлар, n (%)	3 (8,6)	2 (7,7)	1,000	2 (6,3)	1 (2,6)	0,582

Таққосланаётган гуруҳлар орасида асоратлар частотаси бўйича статистик аҳамиятли фарқлар аниқланмади, бу эса инфузион терапиянинг ҳар икки стратегиясининг тенг даражада хавфсизлигини тасдиқлайди.

*Кислотали-ишқорий мувозанатга таъсири:*


Мувозанатлаштирилган кристаллоидларни қўллаш кислотали-ишқорий ҳолатнинг юқори барқарорлигини таъминлади. Оптималлаштирилган терапия гуруҳларида (2 ва 4) рН 24 соат давомида барқарор қолди ( $p=0,803$  ва  $p=0,071$ ).

мос равишда), стандарт терапияда эса рН кўрсаткичларида сезиларли тебранишлар кузатилди ( $p=0,0007$  ва  $p=0,0006$ ) (1-расм).



**1-расм. Операциядан кейинги биринчи суткада рН динамикаси**  
**Гиперхлоремиянинг олдини олиш**

Мувозанатлаштирилган эритмаларнинг асосий афзаллиги – гиперхлоремиянинг олдини олишдир. Операциядан кейинги эрта соатлардаёқ Фалло тетрадасида хлоридлар даражаси 4-группа беморларида 3-группага нисбатан ишончли равишда паст бўлди ( $p=0,0495$ ), шунингдек, Рингер эритмасидан фойдаланилганда хлоридлар кўрсаткичининг гуруҳ ичидаги динамикаси камроқ ифодаланган эди.



**2-расм. Операциядан кейинги биринчи суткада ЮҚС динамикаси**  
**Оптималлаштирилган терапиянинг гемодинамик эффектлари**

### Юрак уриш частотасини назорат қилиш

Оптималлаштирилган инфузион стратегия МҚТ ва ЎВТАД бўлган беморларда ЮҚСни ишончли равишда яхшироқ назорат қилишни таъминлади. Операциядан сўнг дарҳол 2-группа беморларида ЮҚС 1-группага нисбатан 9,3 у/дақ паст эди ( $133,0 \pm 14,2$  га қарши  $142,3 \pm 17,5$  у/дақ;  $p=0,030$ ), 6 соатдан сўнг эса фарқ 10,7 у/дақни ташкил қилди ( $p=0,009$ ) (2-расм).

### Артериал босим барқарорлиги




Фалло тетрадасида оптималлаштирилган терапия артериал босимни барқарор сақлашга ёрдам берди. 24 соатга келиб, ўртача АҚБ 4-группа беморларида  $66,7 \pm 8,4$  мм.сим.уст. бўлган, 3-группа беморларида эса  $62,4 \pm 8,8$  мм.сим.уст. ( $p=0,041$ ); диастолик АҚБ эса ишончли равишда юқори бўлган:  $53,8 \pm 8,0$  га қарши  $49,7 \pm 7,7$  мм.сим.уст. ( $p=0,030$ ).

